

ФОЛЬКЛОРИСТИКАДА СОЦИОМАДАНИЙ ЁНДАШУВНИНГ НАЗАРИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Асқарова Адолатхон Маматхоновна

*Фарғона давлат университети Тарих факультети Социология ва
ижтимоий иш кафедраси катта ўқитувчиси*

Фольклор асарларининг яратилиши ва оммалашиши жараёни халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий менталитетини акс эттирувчи дунёқарашда намоён бўлар экан, уни анъаналар билан бевосита боғлиқ бўлган этнографик контекстдан ажратиб таҳлил этиб бўлмайди.

Собиқ иттифоқ (СССР) даврида этнослар ривожланишининг тарихий тараққиёти “этногенез” соҳаси муаммоси ўлароқ этнология фанининг ўрганиш объекти ҳисобланарди. “Этнос”, “этниклик” муҳим категория ҳисобланиб, бевосита унинг тимсолида фақат иттифоқ илм-фани методологиясига асосланган “формацили ёндашув” ғояси илгари сурилган.¹⁰

Этногенезга кўра “этнос” тушунчаси марказий аҳамиятга эга бўлиб, у мавжуд ижтимоий гуруҳларнинг ички тузилмаси, этник идентиклик масалалари доирасида таҳлил қилинган. “Этниклик” тушунчаси эса этник гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ўзаро ижтимоий алоқадорлиги муаммоларини изоҳлашда қўлланилган. Фольклорга оид тадқиқотлар ҳам айна шу мазмунда ўз ифодасини топарди.

Бир томондан, фольклор асарларида халқнинг этник табиати билан алоқадор кўплаб “этнографизм” – қадимий маросим ва ритуаллар билан боғлиқ анъанавий мотивлар тадқиқ этилса, иккинчи томондан, фольклор асарлари этнологик тадқиқотлар учун бой материал берувчи муҳим асосий манба ҳисобланарди.

Социологияда фольклорга мурожаат қилиш орқали теварак атрофимизни ўраб турган борлиқнинг ҳолатини қайсидир маънода ўзгаришларсиз, ўз ҳолатида, ёки тўқима жилолар билан “тўйинтирилган” ҳолатда қабул қилишимиз мумкин.

Мумтоз социология назариётчиларидан бири М.Вебер ижтимоий борлиқни таснифлар экан, қуйидаги изоҳни қолдиради: “Биз ўзимиз истиқомат қилаётган муҳитни қамраб олган ҳаёт тарзимизни ўзаро ижтимоий алоқалар ва мавжуд маданий белгиларига кўра тушунишга ҳаракат қилар эканмиз, унинг асосий сабаби тарихан шундай

¹⁰ Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. -М.: Наука, 1983. - 412 стр.; Козлов В.И. Этнос. Нация. Национализм. - М.: Мысль, 1999. - 248 стр.; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. - М.: ЭКСМО, 2007. - 736 стр.; Рыбаков С.Е. Философия этноса. - М.: Прогресс, 2001. - 228 стр.

шаклланганлигини ва бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ҳис этишимиз керак”.¹¹

Фольклорни тадқиқ этишда анъанавийликдан ташқари гносеологик тамойилга ҳам эътибор ошиб боради. XX асрнинг ўрталарида анъанавий позитивистик тарих фани бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқликда бўлган бир қатор соҳалар (социолингвистика, ижтимоий антропология, маданият социологияси, этнология ва б.)да юзага келган таназзулли ҳолатларни комплекс равишда амалий тадқиқотлар билан бойитишни ўз олдига мақсад қилиб белгилайди. Шу давр нуқтаи назари билан қиёсланган фан ва технологияларнинг жадал тараққиёти, ахборотлар манбасининг узатилиши, университетлар таълими жараёнларининг фаоллашуви фольклорга оид тадқиқотларнинг предмети, усул ва тамойиллари, амалий-назарий услуб ва манбаларини қайта кўриб чиқилишини тақозо этарди. Мавжуд академик илмда назарий жиҳатлар ҳамон устуворлик қилгани учун, жадаллашиб бораётган ахборотлар асрида инсон (шахс)нинг яшаш тарзи, ижтимоий ҳаётда ўзини тутиш ва руҳий кўникмалари, ментал хусусиятлари, ўзига хослиги, этник ўзликни англашда ҳудудлараро чекиниш, ҳаётий тасаввурлари, ҳодисаларни баҳолашда тарқалаётган миш-мишлар ва бошқа шу каби жиҳатларни ижтимоий тарих нуқтаи-назаридан баҳолашда услубий жиҳатдан оқсоқланиб қолганди.

Жамиятдаги турли ҳодисалар, хусусан, тарихни ижтимоий комплекс ҳолда ўрганишга эҳтиёж ортарди. Натижада, тадқиқот майдонини кенгайтириш ва мураккаблаштириш тарихнинг бошқа ижтимоий фанлар, хусусан этнология ва социология билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини жадаллашувига олиб келади.

“Фанлараро тарихий технологиялар ва ёки ушбу фанлар тадқиқот услубларининг натижасида тарихга оид тадқиқотларнинг янги субдисциплиналари ёки йўналишлари туғила бошлади. Шунинг учун ҳам фольклористика ўзининг тарихга таъсирини биринчи навбатда социология, лингвистика, маданий антропология каби фанлар билан ўзаро уйғунликда такомиллаштирди”.¹²

Фольклорни ўрганишда ижтимоий маконга нисбатан тарихий нуқтаи назардан ёндошиладиган бўлинса, ушбу тамойилни немис тадқиқотчиси Ф.Ульрих қуйидагича изоҳлайди: “Тарих фақат мутахассислар томонидан ва биргина мутахассислар учунгина ёзилмаслиги керак. Уни шундай ёзиш ва ўрганиш керакки, токи бу жараёнда имкон қадар кўпроқ фуқаролар

¹¹ Вебер М. “Объективность” социально-научного и социально-политического познания / См: Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990. – С. 369.

¹² Урсу Д.Н. Методологические проблемы устной истории // Источниковедение отечественной истории. СПб., 2003. – С.23.

қатнашиши ва уни барча тушуниши шарт”.¹³ Фольклоризмга бўлган муносабатлар бир томондан тарихчилар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлиб турган вақтда, унинг усулларида юқорида таъкидлаганимиз фольклоршунослар, этнографлар, филологлар, социологлар ва ҳаттоки журналистлар ҳам унумли фойдалана бошладилар. Шведциялик журналист С.Лидквистнинг “Турган жойингни “қазиб” ўрган!” деб номланган китоби, ўз даврида ёш тадқиқотчилар ўртасида ўзига хос ҳаракатни юзага келтиради.¹⁴

Ижтимоий фанларнинг ўзаро комплекс тадқиқотлари фольклорни тарихий жараён билан боғлаб, инсоннинг жамият билан ретроспектив ҳолатдаги ижтимоий алоқа ва муносабатларини ўрнатилишига олиб келди. У ўзида алоҳида мақомга эга бўлган, қандайдир элита (сараланган) гуруҳ аъзолари турмуш тарзини ёритгандан кўра, кундалик ҳаётда оддий турмуш тарзига риоя этиб келаётган (кун кечириётган) кишиларнинг бутун умри давомидаги фаолият билан боғлиқ ижтимоий ва тарихий мушоҳадани баён этарди. Шу жиҳатдан ҳам фольклорни “қуйи ижтимоий тарих” деб номлаш мумкин. У оддий кишиларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳаёт билан боғлиқ умид ва мақсадларини удум ва анъаналарда ифоланишини ўрганади. У ўзида авваламбор тарихий хотирани, оила, шаҳар, қишлоқ, гендер, демографияни ўзида қамраб олади.

Фольклоршунослик тадқиқот мактаблари тўғрисида фикр билдирилганида “Мифологик мактаб” назарияси алоҳида ўрин тутади. Ўзбек тилида “асотир”, “афсона”, “асотири антиқа” сўзлари билан ифодаланадиган “мифология” ёки “миф”ларда қайсидир жой ёки буюм билан боғлиқ “ноёб” рамзий белгиларда кишининг ўзини “ҳақ” эканлигини исботловчи ўжарликдан кўра “эҳтиёткорлик” устига қурилган “халқ дипломатияси” (иррационаллик) муҳим ўрин тутади.¹⁵ Афсона ва асотирлар қадимги одамнинг борлиқ ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади.¹⁶

Ҳамма даврларда ҳам одамлар табиат ва атроф-муҳитда кечаётган ҳодисаларни англай олмаган ва унинг натижасида содир бўладиган воқеликларни тафаккурда идрок этиш мураккабликлар туғдирган. Инсонлар ўзини ўраб турган моддий оламнинг сир-синуотларини тушунишга, турли

¹³ Рожанский М. Социал тарих йўналишида тайёрланган “Байкал Сибири” лойиҳаси // Тарих ва ўзликни анлаш V: Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2009. – 40 бет.

¹⁴ Филишкин А.И. Методический указания по проведению исследований по устной истории [Электронный ресурс] // Наш политех. URL: <http://www.nashpolytech.ru>

¹⁵ Қаранг: Каланов К.К. Муқаддас жой ва зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари / Монография. Тошкент, KALEON PRESS, 2023. – Б. 36.

¹⁶ Қаранг: Жўраев М. Фольклоршунослик асослари / Тошкент, “Фан” нашриёти, 2009. – Б. 76.

сабаблар билан пайдо бўладиган ғайритабиий ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилар эканлар, атрофлича жавоб ололмагач, уни бор ҳолида қабул қилишга ўтганлар. Бунда оғзаки ижоднинг моддий оламдаги воқеликни образли ва поэтик рамзлардан фойдаланган ҳолда идрок қилиш ҳолатга нисбатан ҳиссий муносабатларни шакллантириб борган. Ер юзида моддий мавжудликнинг таркиб топиши, биоходисаларнинг тез-тез ва кутилмаганда рўй бериши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни кишилиқ онги ва тафаккурида асотирилар дунёси орқали талқин қилишга сабаб бўларди. Шу каби ҳолатни фольклоршуносликда мифологик таълимот намоёндалари ўрганганлар. Илмий адабиётларда, миф, яъни афсоналар қадимги одамнинг воқеликка нисбатан бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаланишини тасвирлайди.¹⁷

Мифологик тасаввурлар ибтидоий удум ва маросимларда ритуал ўйинлар сифатида ижро этилар экан, ундаги осори-атиқалар, ҳунармандчилик ва амалий санъат билан боғлиқ рамзий белгилар ҳам мифик, афсонавий сюжетларда акс эттирилган. Ҳар қандай афсона генетик жиҳатдан сўз билан боғлиқ бўлади.¹⁸ Қачонлардир ибтидоий одам ва қадимги цивилизацияларнинг вакиллари учун “айтилган” ҳар қандай афсона улуг “ҳақиқат” ҳисобланарди. У ҳеч бир мантикий асосга муҳтож бўлмасада, айнан “сўзлаб берилганлиги” учун кишиларга фойдали ҳақиқатни англатарди. Инглиз антропологи Б.Малиновский афсонага ўз эътиборини қаратар экан, шундай дейди: “Боқийлик, абадий ёшлиқ, ўлимдан кейинги ҳаётга ишончни мустаҳкамловчи афсоналар қадимги инсонлар учун муҳим “бошқотирма”, яъни топишмоққа интеллектуал жавоб бўлмай, балки энг қўрқинчли ва мияга ўрнашиб қолган ғояларга чуқур инстинктив ва ҳиссий таъсир кўрсатадиган эътиқод (сакрал)нинг муайян ҳаракати ҳисобланади”.¹⁹ Шунинг учун ҳам афсона анъана ва маданиятлар узлуксизлигини қўллаб-қувватлаш, ёшлиқ ва қариликни билвосита ўз ўрнида қабул қилиш маданиятини шакллантириш, шунингдек, инсониятнинг тарихий ўтмишини сақлаш билан бевосита боғлиқ бўлган вазифани бажаради. Афсонанинг асосий вазифаси “анъанани соддалаштириш, унинг манбаларини олий, қадрлашга муносиб бўлган, ғайритабиий кучга эга бўлган ибтидоларга қадар юксалтирган ҳолда, унга муҳимлик ва ҳукмронликни тақдим қилиш”дан иборат.²⁰

Социологияда фольклор мавзусини позитивизм ва постмодернизм ракурсида ўрганиш, уни объектив, универсал ва релятивистик парадигмалар курашининг “лавҳаси” сифатида талқин этиш мумкин.

¹⁷ Стеблин-Каменский М.И. Миф / - Л.: Наука, 1976. – С. 4-5.

¹⁸ Потебня А.А. Эстетика и поэтика / - М.: Искусство, 1996. – С. 430.

¹⁹ Малиновский Б. Магия, наука и религия / пер. с англ. А.П. Хомик; под ред. О.Ю. Артёмовой. – М.: Рефл-бук, 1998. – С. 107.

²⁰ Каланов К.К. Муқаддас жой ва зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари / Монография. Тошкент, KALEON PRESS, 2023. – Б. 36.

Фольклористик ёндашувларда Т.Кун томонидан таклиф этилган “парадигма” тушунчасини илмий билишни тадқиқ этишнинг маълум соҳаларида, жумладан фольклорни ўрганишда ўринли бўлиши мумкин”.²¹ Парадигмалар қарама-қаршилик белгиси ўлароқ, унинг воситасида “этник” ва “миллийлик” масалаларини фольклорга қўллаш жараёнида “объективлик устунми ёки субъективлик?”, – деган саволда фойдаланиш мумкин. Мазкур саволлар устига қурилган тўқнашувлар худди «ўрта аср фалсафасидаги номинализм ва реализм ўртасидаги ижтимоий низоларга айнан бўлиб кўринади. Бугунги кун номиналистлари учун ижтимоий конструктивизм хос бўлса (унга кўра: барча илмий категориялар жамият ва маданият томонидан яратилган бўлиб, тарихий жиҳатдан ҳеч қандай мазмунга эга эмас), реалист инсонлар учун мавжуд хусусиятлар эссенциализмга кўра (биоҳодиса ва реал воқеаликларнинг умумий, объектив ўзгармас моҳияти эътироф этилади) маълум бўлади»²².

Барча тадқиқот ишларида парадигма (юнон. *paradeigma* – мисол, намуна) бир вақтнинг ўзида бутун илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, янги илмий тадқиқотларнинг асоси ва модели бўлиб хизмат қилувчи илмий ютуқлар мажмуини ташкил этади. Умуман олганда парадигма “илмий жамоатчилик томонидан умумқабул қилинган ғоялар ва меъёрларнинг назарий анъаналар тизими (“тадқиқотлардаги нормалар ва идеаллар”, “дунёнинг илмий манзараси”, “ахборот-техника воситалари ва услубий жамланмалар” ва б.)га асосланади. Ҳар қандай парадигмада жамоавийлик ва “интизомий матрица” деб номланган илмий анъана мавжудлиги таъминланиши, ҳар қандай тадқиқот объектининг ўзгарувчанлиги ўрганилаётганда мавжуд назарий тушунчаларни сифат жиҳатидан ўзгаришга олиб келади”.²³ Фольклорда парадигмаларга мурожаат қилинар экан, ундаги дискурсининг хусусиятларини этносоциологик жиҳатдан ифодаланган примордиализм ва конструктивизмдан излаш мақсадга мувофиқ бўлиб қолаверади.

Шу вақтгача фольклористикани тадқиқ этишда “фин мактаби”, “мифологик мактаб”, “тарихий мактаб”, “антропологик мактаб”, “ритуал-мифологик мактаб” каби бир қатор илмий мактаблар томонидан яратилган назарий-методологик концепция ва ёндашувларга мурожаат қилиниб келинган. Ушбу мактаблар ўз анъаналарида фольклоршуносликнинг асосий тадқиқ усулини қиёсий таҳлилларга йўналтириб, тадқиқот объекти сифатида анъаналарга тўхталганлар. Ижтимоий ҳаётдаги муайян анъаналарнинг таркибий қисмини ташкил этувчи урф-одат ва удумларга хос бўлган материал ва маълумотларни жамлаб (тўплаб) ўрганиш асосида фольклорнинг

²¹ Филиппов.В.Р. Парадигматика этнологии // <http://www.viu-online.ru/science/publ/buleten10/page9.html>

²² Филиппов.В.Р. Парадигматика этнологии // <http://www.viu-online.ru/science/publ/buleten10/page9.html>

²³ Кун Т. Структура научных революций. - М.: 1975. С.11.

ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти очиб берилган. Француз тадқиқотчиси П.Сентивнинг фикрича: “фольклоршунослик халқ бадий анаъаналари, жумладан, халқ оғзаки бадий ижоди, халқ мусиқаси ва амалий санъати анаъаналарини тадқиқ этади”.²⁴ Табиийки, ушбу фикрлар XIX аср охирлари ва XX аср бошларига хос бўлиб, ўша давр тадқиқотчиларининг муаммога нисбатан илмий тушуниши ва руҳини шу каби ёндашувларда ифодалаган.

Замонавий фольклоризмда, жумладан россиялик тадқиқотчилар В.Аникин ва Ю.Кругловлар ўз қарашларида, “фольклористика ўзининг ўрганиш объектига эга бўлган алоҳида фан сифатидаги хусусиятларини йўқотиб, эндиликда этнография, диншунослик, психология, санъатшунослик, амалий санъат тарихи каби турли хил фанларнинг тадқиқот объектига айланиб улгурди”.²⁵ Биз бунда социология ва ижтимоий антропология йўналишларининг ҳам ўрни ва аҳамияти юқорилигини таъкидлаймиз.

Фольклор сўзлар ва ҳаракатларда содда эътиқод рамзларини илгари суради. Унда бир томондан, афсонавий ҳикоялар ва афсунлар, иккинчи томондан эса, маросимлар ҳаракатларида соддадил эътиқоднинг бир-бирларига ўзаро боғлиқ, аммо, бири иккинчисидан ажралмас жиҳатларини кўриш мумкин. Фольклорни диққат ва синчковлик билан ўрганар эканмиз, унда примордиалистик ёндашув устуворлик қилади. Боиси, у классик-консерватизмга асосланган турмуш тарзидаги анъана ва маросимларга мустаҳкам, чамбарчас боғлиқлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Фақат замонавий тадқиқотларда, хусусан, социология ва ижтимоий антропологияда тадқиқотчи ундаги рационаллик ва иррационаллик жиҳатларни фарқлаши муҳим ўрин тутди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. -М.: Наука, 1983. - 412 стр.; Козлов В.И. Этнос. Нация. Национализм. - М.: Мысль, 1999. – 248 стр.; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. – М.: ЭКСМО, 2007. - 736 стр.; Рыбаков С.Е. Философия этноса. - М.: Прогресс, 2001. – 228 стр.

2. Вебер М. “Объективность” социально-научного и социально-политического познания / См: Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990. – С. 369.

3. Каланов К.К. Муқаддас жой ва зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари / Монография. Тошкент, KALEON PRESS, 2023. – Б. 36.

²⁴ Қаранг: Сентивъ П. Симуляція чудеснаго / Переводъ съ французскаго д-ра медиц. Е.В. Святловскаго. С.-Петербургъ, 1914. – 161 стр.

²⁵ Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество / - М.: Просвещение, 2007. – С. 5.

4. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари / Тошкент, “Фан” нашриёти, 2009. – Б. 76.

5. ¹ Рожанский М. Социал тарих йўналишида тайёрланган “Байкал Сибири” лойиҳаси // Тарих ва ўзликни анлаш V: Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2009. – 40 бет.